

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“КОММУНИКАЦИОН СИЁСАТ ВА МЕДИАМЕНЕЖМЕНТ”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А С И**

**Тошкент 2019**

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	17
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	52
V. КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР .....	57
VI. ГЛОССАРИЙ .....	58
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	64

**I. ИШЧИ ДАСТУР**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

«Тасдиқлайман»  
Тармоқ (минтақавий)  
маркази директори  
И.Х.Ҳамиджонов



**“КОММУНИКАЦИОН СИЁСАТ ВА МЕДИАМЕНЕЖМЕНТ”  
МОДУЛИНИНГ**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши:** Журналистика.  
**Тингловчилар контингенти:** Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари

**Тошкент – 2019**

*Мазкур ишчи дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йилнинг 2 ноябрдаги 1023 - сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастур асосида ишлаб чиқилган*

**Тузувчи: филол.ф.н., доцент Ибрагимов Ш**

**Такризчилар:** т.ф.д., проф. Қудрат Эрназаров, с.ф.н., доц. Шерзодхон Қудратхўжаев.

*Ишчи ўқув дастур ЎзМУ нинг Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган*

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори ҳамда 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Мазкур ишчи-ўқув дастури ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Журналистика” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Интернет курраи заминни ягона ахборот маконига айлантирган бугунги кунда жамият тараққиёти кўп жиҳатдан ана шу виртуал оламга ҳам боғлиқ бўлиб қолган. Мамлакат иқтисодий салоҳияти, илм-фан, таълим, техника, муҳофаа масалалари ва бошқа соҳалар ривожини ҳам айнан интернет билан чамбарчас бўлиб қолганини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

“Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент” курсининг мақсади тингловчиларни хорижда ва мамлакатимизда амалга оширилаётган коммуникацион сиёсат ва медиаиктисодиётнинг асосий мазмуни, таркиби ва йўналишлари, ҳамда ОТМда мазкур йўналишда ўқитилаётган фанлардаги янги натижалар билан таништиришдан иборат.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларининг бу борадаги хорижда ва мамлакатимизда тўпланган

илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

### **“Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент” модулининг вазифалари:**

- Тингловчиларга “Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент” масалалари бўйича концептуал асослар, мавзунинг мазмуни, таркиби ва асосий муаммолари бўйича маълумотлар бериш ҳамда уларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;
- таълим-тарбия жараёнида “Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент” мазмуни, функциялари, таркибий унсурларини ёритиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини ошириш;
- демократик жамият ривожини таъминлаш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш маҳоратини ошириш.

### **Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва лаёқатларига қўйиладиган талаблар**

«Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

– Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент мазмуни, таркиби ва янги тенденциялари, виртуал олам муҳитида турли маданиятлар вакилларининг самарали ҳамкорлиги, замонавий мультимедиаформатлар, интернет ахборотини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг психологик жиҳатлари, тармоқдаги оммавий коммуникация воситалари ривожланишига доир концепциялар мазмуни ва уларнинг жамиятга таъсири; медиа, ҳақида билиши керак.

#### **Тингловчи:**

– касбий фаолият олиб бориш мақсадида Интернет муҳитида замонавий мультимедиа форматлардан фойдаланиш;

– Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент соҳасидаги янги тенденцияларни ўқув машғулотида талабларга тушунтириб бера олиш;

– Коммуникацион сиёсат ва медиаменежментнинг асосий воситалари, форматлари ва турларини ажратиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

– Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент йўналишидаги фанлардаги янгиликлар асосида ўқув дастурлари ва ўқув-услугий мажмуаларга ўзгартириш киритиш;

– маъруза материалларини янги хорижий ва миллий адабиётлар асосида янгилаш;

– мазкур йўналишдаги фанлар доирасида талабаларнинг мустақил амалий фаолиятини ташкил этиш **малакаларини** эгаллаши лозим.

#### **Тингловчи:**

– мазкур йўналишда тўпланган янги маълумотларни саралаш ва муайян фанлар доирасида тизимлаштириш, аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;

– модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

– технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

«Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент» модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

– маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдирот ва электрон-дидактик технологиялардан;

– ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

«Коммуникацион сиёсат ва медиаменежмент» модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

**«КОММУНИКАЦИОН СИЁСАТ ВА МЕДИАМЕНЕЖМЕНТ»  
МОДУЛЬ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ**

№	Модул мавзулари	Аудитория			
		Жами	жумладан		
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Коммуникацион сиёсатдаги янги тенденциялар.	4	2	2	
2.	Ахборот хавфсизлиги масалалари.	4	2	2	
3	Телерадиожурналистика, матбуотда менежмент ва маркетинг.	6	2	2	2
<b>Жами</b>		<b>14</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>2</b>

**НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-маву: Коммуникацион сиёсатдаги янги тенденциялар**

Коммуникацион сиёсатдаги янги тенденциялар. Дигиталлашув, конвергенция, глобаллашув. Коммуникацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат саъй-ҳаракатлари. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси ва коммуникацион сиёсатнинг устувор йўналишлари. Ахборот жамияти шароитида давлат бошқаруви масалалари. Мамлакатнинг инновацион тараққиёти ва коммуникациялар соҳаси ривожланишининг таҳлили. Электрон ҳукумат коммуникацион сиёсат таркибида. Оммавий коммуникация воситаларининг эволюцияси ва демократлашуви.

**2-маву: Ахборот хавфсизлиги масалалари.**

Ахборот хавфсизлиги масалалари. Медиясаводхонлик, манипуляцияни аниқлаш усуллари, ахборот маконида йўналтириш. Оммавий ахборот ва коммуникация воситалари ахборотининг ишончлилиги масаласи. Фейк янгиликлар ва дезинформация. “Ахборот хуружи”: янги усуллар ва ёндашувлар.

Журналистика ва коммуникация бизнес кўриниши сифатида. Замонавий медиаиндустрия: ривожланган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар моделларининг қиёсий таҳлили. Ўзбекистонда медиаиндустриянинг шаклланиши тамойиллари. Медиаиктисод таркиби.

**3-маву: Телерадиожурналистика, матбуотда менежмент ва маркетинг.**

Телерадиожурналистика, матбуотда менежмент ва маркетинг. Телевидение ва радио бизнес тури сифатида. Матбуотдаги бизнес-технологиялар. Интернет-макон бизнеснинг янги кўриниши сифатида. Интернет-оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асоси. Медиаиндустрияда менежмент тенденциялари.

Янги ахборот-коммуникацион технологиялар ва оммавий коммуникация воситалари. Оммавий ахборот воситалари техникаси ва технологиялари соҳасидаги инновациялар. Оммавий ахборот яратиш ва узатишнинг янги усуллари. Оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситалари аудиторияси билан ишлашнинг янги кўринишлари. Аудитория, ижтимоий фикр ўрганиш усуллари.

Медиадизайндаги янги тенденциялар. Медиадизайн ахборотни визуаллаштириш омили сифатида. Медиадизайндаги янги ёндашув ва тамойиллар. Медиадизайнда аудиториянинг фаол қисми ҳисобланган ёш авлодга йўналтирилган ёндашувлар.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Кўчма машғулотлар модул соҳаси бўйича етакчи олий таълим кафедралари ва илмий-тадқиқот муассасалари лабораториялари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари бўлимларида ташкил этилади. Мазкур машғулотлар соҳага оид долзарб мавзуларда тажриба-синов ва лаборатория машғулотлари ҳамда танишув амалиёти шаклларида олиб борилади. Шунингдек, таъкидланган муассасалар ва корхоналар етакчи мутахассислари томонидан республика ва хорижий илмий марказларда соҳа йўналишида амалга ошириладиган илғор илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича таҳлилий шарҳлар берилиши масқадга мувофиқдир. Бунда ахборот хавфсизлиги масалалари. Медиасаводхонлик, манипуляцияни аниқлаш усуллари, ахборот маконида йўналтириш. Оммавий ахборот ва коммуникация воситалари ахборотининг ишончлилиги масаласи. Фейк янгиликлар ва дезинформация. “Ахборот хуружи”: янги усуллар ва ёндашувлар амалиёти ўрганилиб, таҳлил қилинади. Кўчма машғулот учун қуйидаги мавзу тавсия этилади:

1 мавзу: Телерадиожурналистика, матбуотда менежмент ва маркетинг.

Кўчма машғулотларда [www.class-central.com](http://www.class-central.com), [www.khanacademy.com](http://www.khanacademy.com), [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz), [www.fikr.us](http://www.fikr.us), [www.uza.uz](http://www.uza.uz), [www.kun.uz](http://www.kun.uz), [www.uchildiz.uz](http://www.uchildiz.uz) ва бошқа сайтлар фаолияти мисолида дарс ўтиш усуллари ўрганилади.

## **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

– маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

– давра суҳбатлари (кўриладиган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

– баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли

аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: “Ўзбекистон”. 2011. - 440 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти. 2013, 2016. – 279 б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”. 2012. – 319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi. 2017. - 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков И.К. 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
30. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN. 2015. – 572 b.
32. Dueze M. Managing Media Work. 2011.
33. Feinstein, John. One on One: Behind the Scenes with the Greats in the Game. Little, Brown and Company. USA. 2011.
34. Robert A. Papper, Edwin C. Rozwenc, Edward C. Martin. Broadcast News and Writing Stylebook. 2012.
35. Рўзиев Ф., Жўрева Х. Тележурналистга тавсиялар. –Т.: Шарқ, 2015
36. Бутрин Д. Год открытых дверей. //Коммерсантъ. –2002, 24 декабрь.
37. Гундарин М.В. Теория и практика связей с общественностью: основы медиа-релейшнз. Учеб. пособие. –М.: Форум: инфра-м, 2007.
38. Дўстмухаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. –Т.: Янги аср авлоди, 2013.
39. Засурский Я.Н. Искушение свободой. Российская журналистика: 1990-2004. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2004.
40. Миралимов Ш., Эшбеков Т. Журналистика, маънавият, жамият. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
41. Мўминов Ф. Журналистика ижтимоий институт сифатида. –Т.: Университет, 1998.
42. Ольшанский Д. Политический PR. СПб.: М., Питер, 2003.
43. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Дарслик. Ф.Мўминов, Т.Эшбеков ва бошқ. –Т.: ЖИДУ, 2015. – 196 б.
44. Прохоров. Е.П. Журналистика и демократия. –М.: Аспект Пресс. 2004.
45. Эшбеков Т. Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2012.
46. Эшбеков Т. Маънавият ва ахборот сабоқлари. “Ахборот соатлари” курслари учун услубий қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2016.
47. Эшбеков Т. Мулоқот майдонида ахборот хизматларининг ўрни. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2017. – 128 б.
48. Эшбеков Т. Мафкура ва ахборот-психологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2017. – 64 б.
49. Қудратхўжаев Ш. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. –Т.: Ўзбекистон. 2011.
50. Қудратхўжаев Ш.Т. Интернетда ва ахборот. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент 2012 йил.
51. Муратова Н.Ф. Интернет журналистика Узбекистана:

функционирование Интернет СМИ в условиях глобального информационного рынка”. Монография. Германия, Lab Academic Publishing. 2013.

52. Daniel Black, Stephen Epstein and Alison Tokita. Media Flows, Soft Power and East Asia. Monash University. 2010. (1-боб)

53. Herlander Elias. Post-Web. The Continuous Geography of Digital Media. Formal Press Publishing House. Portugal. 2012. Б. 80-88.

54. M.Smikiklas. Infografika. USA. Indiana, Indianapolis: 2014. P. 23-25

#### **IV. Интернет сайтлар**

55. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

56. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

57. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

58. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

59. [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)

60. [www.amazon.com](http://www.amazon.com)

61. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)

62. [www.mtrk.uz](http://www.mtrk.uz)

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима натижа (What).

### “Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш;</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириқни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш;</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш;</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш; имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш.</li> </ul>

### **Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

Кейс талаблари бўйича муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш (кичик гуруҳларда).

#### **Мавзу: Коммуникацион сиёсатдаги янги тенденциялар.**

1. Коммуникацион сиёсатдаги янги тенденциялар.
2. Дигиталлашув, конвергенция, глобаллашув.
3. Коммуникацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат саъй-ҳаракатлари.
4. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси ва коммуникацион сиёсатнинг устувор йўналишлари.
5. Ахборот жамияти шароитида давлат бошқаруви масалалари.
6. Мамлакатнинг инновацион тараққиёти ва коммуникациялар соҳаси ривожланишининг таҳлили.
7. Электрон ҳукумат коммуникацион сиёсат таркибида.
8. Оммавий коммуникация воситаларининг эволюцияси ва демократлашуви.

**Кейсининг жавоби учун 2 балдан баҳоланади.**

#### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

#### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки катнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач, ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Мисол:** глоссарийда келтирилган тушунчаларни таҳлил қилиш асосида фундаментал тасаввурга эга бўлиш, мавзуни тўғри тушуниб бориш ва масалаларнинг ечимининг гноселогик илдиз орқали, тушунчанинг таҳлили орқали шакллантириш.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: **КОММУНИКАЦИОН СИЁСАТДАГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР**

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси ва коммуникацион сиёсатнинг устувор йўналишлари.

2. Мамлакатнинг инновацион тараққиёти ва коммуникациялар соҳаси ривожланишининг таҳлили.

3. Электрон ҳукумат коммуникацион сиёсат таркибида.

**Калит сўзлар:** Ҳаракатлар Стратегияси, коммуникация, коммуникацион сиёсат, инновация, ахборот жамияти, Электрон ҳукумат, онлайн журналистика, фуқаролик журналистикаси, блогсоҳа, конвергенция, рақамлашув (дигитализация), инфотейнмент, эдютейнмент, инфорториал, глобаллашув, интерактивлик, ихтисослашув ва тармоқлашув, мультимедиалилик, гиперматнлилик.

#### **Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси ва коммуникацион сиёсатнинг устувор йўналишлари**

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истикбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси истикболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда.

**Стратегия** – бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли муваффақиятни таъминлайди.

XXI асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди. Стратегия деб, дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва бартараф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни қамраб олади. Шундан келиб чиқиб, давлат стратегияси бир бири билан ўзаро боғлиқ, лекин алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчаларда ифодаланади.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёсат, стратегия ва тактика — стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборатки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг маёғига айланади.

**Тактика** – стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади.

**Сиёсат** – бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир.

Стратегиянинг асл моҳиятида халқимизнинг орзу-умидлари йўғрилган ғоялардан ташкил топган миллий мафкуранинг ифодаси ётади. Мафкурадан нусха олиб бўлмаганидек, давлатнинг стратегик мақсадларини ҳам бошқа давлат ва халқларнинг тарихий тажрибасидан ўзлаштириб ёхуд нусха олиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос сиёсий-ижтимоий, демографик, иқтисодий, маданий тарихи, табиий ресурслари мавжуд бўлади. Айнан шу омиллар маълум ижтимоий шароит ва имкониятларни вужудга келтиради.

Стратегияни амалга ошириш энг масъулиятли жараён. Агар у реал вазиятни тўлиқ қамраб олган яхлит ва бир бутун режа бўлса, унинг муваффақияти таъминланади. Мабодо тескари бўлса, унда турғунлик юзага келади. Бунга сабаб, нотўғри таҳлилий маълумотлар, хулосалар, қутилмаган шароитлар, ресурслардан оқилона фойдалана олмасликдир. Стратегияни баҳолаш ва назорат қилиш стратегик режалаштиришни мантиқий яқунловчи омили бўлиб ҳисобланади. У ҳодисаларнинг қайта алоқаланишини таъминлаш жараёнида структуравий бўғинлардаги боғланиш имкониятларини таҳлил қилади, баҳолайди, аниқлайди, хулосалар чиқаради. Заруратда стратегик режаларни ўзгартиради.

Давлат стратегик режалари аниқ ва ўзгармас тамойилларга бўйсундирилиши муҳим. Улар ислохотларнинг бир маромда, изчил йўналишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, раҳбар ўз вазифаларини амалга оширишида турли илмий соҳалардаги маълумотлар ва хулосалар билан қуролланмоғи, бундан ташқари, импровизация қилмоғи, қўйилган вазифалар ечимини топишда индивидуал ва креатив ёндашувларни ташкил этиши лозим. Мазкур тамойиллар олдин қабул қилинган қарорни ўзгартириш эҳтимоли ёки ўзгарувчан вазиятдан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш имкониятини бериши зарур.

Стратегик дастур ва режанинг уйғунлиги ҳамда турли даражадаги қарорларнинг мустаҳкам боғлиқлиги муваффақиятнинг кафолати. Мазкур бирлик давлат органларнинг структуравий бўғинларида стратегик ҳаракатларни бирлаштириш, барча функционал бўлим режаларининг келишуви билан таъминланади. Айни пайтда стратегияни амалга ошириш имкониятларини туғдиради. Стратегик бошқарув жараёнида дастур ва режани амалга ошириш учун ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратилиши лозим. Мазкур тамойиллар ҳокимият органлари фаолиятидаги ижро интизомининг паст суръатларига, шахсий масъулиятсизлигига барҳам беради, кадрлар лаёқати даражасини оширишни талаб қилади, мураккаб ва чигал иш тартибларини содда ҳамда тезкор ёндашувлар билан ўзгартиришга хизмат қилади. Энг муҳими, стратегик йўналишларни белгилашнинг мавҳум ва номаълум жиҳатларини ойдинлаштириш орқали тартиблаштиришга эришилади.

Стратегик мақсадларнинг айнан инсон капиталига ва у орқали адолатли қонунларнинг, фаол ижтимоий институтлар ҳаракати ташкил этилишига қаратилаётганлиги бежизга эмас. Шунинг учун ҳар қандай ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантириш билан амалда унинг тамал тоши мустаҳкамланади.

Давлатнинг ҳаракатлар стратегияси етакловчи локомотив кучи — бу давлат ва унинг органлари. Ислоҳотларнинг гарови ва кафолати ҳокимиятнинг самарали фаолияти билан боғлиқ ҳодиса. У бошқарув маҳорати билан узоққа мўлжалланган мақсадларни режалаштиради, сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилади, аҳолини сафарбар этади, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни одилона тақсимот қилиш вазифаларини амалга оширади. Шундай экан, давлат ва жамият бошқаруви тизимларини такомиллаштирмасдан туриб мамлакат ҳаётини модернизация қилиб бўлмайди.

**Модернизация** ўз умрини поёнига етказган бошқарув усулларини янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатни ривожлантиришга олиб келади. Бу жараёнлар бевосита маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда мустақил қарорлар қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришни тақозо қилади. Шу нуқтаи-назардан Президентимиз парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини янада ошириш вазифаларини белгилайди.

Сиёсат соҳасидаги коммуникация ёки сиёсий коммуникация бошқа коммуникацион жараёнлар каби учта мақсадни кўзлаши мумкин:

- ахборот алмашинуви,
- фикр алмашиши,
- ахборот хатти-ҳаракат ўзгариши.

Бу жараёнда асосийси, шубҳасиз хатти-ҳаракат ўзгариши ҳисобланади, чунки айнан у жамиятда ҳуқумат бошқарув муносабатлари таянчини ташкил қилади. Ўз навбатида, оммавий-коммуникация воситалари ва улар томонидан узатилаётган ахборот устидан назорат, ахборот жамиятида ҳокимиятни ижро этиш, ушлаб туриш, керак пайтда эса уни эгаллаш зарурий шартлардан бирига айланади.

**Давлат бошқарувида АКТ** ғоят муҳим аҳамиятга эга. АКТдан фойдаланиш жараёнида амалда унинг барча қадамлари – турли-туман бошқарув ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали қайта ишланади ва моделлаштирилади. Ишлаб чиқилган оммавий сиёсатни амалга ошириш:

- ижрочиларни аниқлаш (тайинлаш) ва қабул қилинган давлат

қарорларини уларнинг эътиборига етказиш;

– ижрочиларнинг, шу жумладан идоралараро ижрочиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ижрочилар томонидан қўйидаги сиёсатнинг амалга оширилишини назорат қилиш:

– қабул қилинган давлат қарорларининг тегишли ижрочилар томонидан бажарилиши тўғрисида ахборот тўплаш ва уларни умумлаштириш.

– бажарилган (давр тугалланган);

– тузатишлар киритиш ёки бекор қилиш талаб этилиши.

Ахборотлаштиришнинг афзалликлари аён кўриниб турибти – у давлат аппарати ходимларининг ижодий салоҳиятини бошқарувнинг асосий функцияси – тегишли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратиш имкониятини бериб бошқарув аппаратини тўплаш, жамлаш ва унга дастлабки ишлов бериш бўйича кўплаб эскирган функциялар бажарилишидан бевосита озод қилишга олиб келади. Бу давлат бошқарувининг принципиал жиҳатдан янги сифатга ўтишининг ўзидир.

### **Мамлакатнинг инновацион тараққиёти ва коммуникациялар соҳаси ривожланишининг таҳлили**

Инновацияларни жорий этиш корхоналар рақобатдошлигини ошириш, уларнинг иқтисодий мустақиллиги ва бозордаги мақеини мустақамлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шуни инобатга олиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда илмий-техник ва инновацион салоҳиятни сақлаш ҳамда ривожлантириш юзасидан бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат рақобатдошлигини баҳолаш кўрсаткичларига кўра, табиий ва иқлим ресурсларидан оқилона фойдаланиш, жамғарилган бойликларни ўз ўрнида ишлатиш, иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацияларни қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган бошқарув сиёсатини амалга ошириш каби омиллар ривожланишнинг асосий стратегияси ҳисобланади. Ҳозирги кунда илмий-техник тараққиёт ва бозор эҳтиёжлари маҳсулот номенклатураси ва сифатига янги талабларни шакллантирган ҳолда, талаб ва таклиф конъюнктурасида муҳим ўзгаришлар юз беришига олиб келмоқда. Шу муносабат билан ишлаб чиқариш фаолиятининг деярли барча соҳаларида инновацияларга истиқболли ривожланиш воситаси сифатида қизиқиш янада ошади. Корхоналарни бошқариш амалиётида бундай стратегиянинг шаклланиши инновацион жараёнларни самарали бошқариш тизимларини яратиш заруриятини янада кучайтиради.

Инновацияларни кенг ёйиш – ахборот жараёни бўлиб, унинг шакли ва тезлиги коммуникация каналларининг қуввати, хўжалик субъектлари томонидан ахборотни қабул қилиш хусусиятлари, ушбу ахборотдан амалий фойдаланишга бўлган қобилият ва ҳоказоларга боғлиқ. Чунки реал иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг инновацияларни излашга бўлган муносабати ва уларни ўзлаштириш

қобилияти турлича бўлади. Ҳозирги кунда халқаро илмий-техник ва савдо муносабатларининг ривожланиши кўпгина маҳсулотлар бозорининг глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимооти ҳамда турли альянслар ва кўшма корхоналар яратилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, “инсон ресурсларини” бошқариш инновацион сиёсатни амалга оширишнинг сўнгги бўғини бўлиб, самарадорлик ва иш сифатини ошириш масалаларини ҳал этишга ходимларнинг кенг доирасини жалб этишни тақозо этади. Қайси бир давлат энг самарали инновациявий механизмга ва инновацияларни амалга оширишнинг ривожланган инфратузилмасига эга бўлса, айнан шу давлат жаҳон бозоридаги рақобат курашида муваффақиятга эришади. Ҳозирги кунда илмий-техник тараққиётнинг бир қисми сифатида эътироф этиладиган илмий-техник инновациялар — иқтисодий жонлантирувчи ва унинг рақобатдошлигини сақлаб қолувчи куч ҳисобланади.

Инновациявий фаолиятни ривожлантириш учун тармоқ инфратузилмаларининг катта имкониятлари мавжуд эканлигини англаган ҳолда ривожланган давлатлар ҳукуматлари инновацияларни қўллаб-қувватлашни давлат сиёсати даражасида амалга оширмоқдалар. Хитой, Германия, Франция, Исроил, Ҳиндистон, Россия каби иқтисодий тараққий этган хорижий мамлакатлар инсон манфаатларига хизмат қиладиган инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиб келмоқдалар.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти қатор ҳамкор тадқиқот марказлари билан биргаликда мамлакатларнинг инновацион ривожланишига доир рейтингда Швейцария етти йилдан бери етакчилик қилиб келмоқда. Инновацион ривожланган давлатлар рейтингининг кучли ўнлигидан шунингдек, Сингапур (7), Финландия (8), Германия (9) ва Ирландия (10) мамлакатлари ўрин олган. Осиё қитъасидан етакчилар — Сингапур (7), Жанубий Корея (11) ва Япония (14) ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ҳар бир соҳанинг тараққий этишига қаратилган шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида қатор имкониятлар, ютуқлар қўлга киритиб келинмоқда. Хусусан, инновацион лойиҳаларнинг жорий этилиши, бу борада давлатимиз раҳбари томонидан қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши соҳа ривожини учун хизмат қилмоқда. 2017 йил 29 ноябрда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармонда илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари, қўллаб-қувватлаш шакллари, ғоя, ишланма, технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришни белгиловчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланган. Айни мана шу қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилишига бўлган эътибор ҳамда ушбу вазирликнинг ташкил этилиши, албатта, соҳани янада ривожлантириш, инновацион ғояларни шакллантириш, ишланма ва технологияларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Жаҳон тажрибаси барча соҳаларда сифатли ўсишни таъминловчи

янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга кенг жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ривожланишнинг инновацион моделлари ва ақлли технологиялар амалга ошириладиган мамлакатлар энг муваффақиятли ва барқарор ҳисобланади. Бундай мамлакатларнинг барқарор тараққиёти, уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлиги табиий ресурсларни экспорт қилиш ва жисмоний меҳнатдан фойдаланишга эмас, балки инновацион ғоялар ва ишланмаларга асосланади.

Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

### **Электрон ҳукумат коммуникацион сиёсат таркибида**

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 декабрда қабул қилинган “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунида 3-моддасида қуйидаги асосий тушунчалар баён қилинган:

электрон ҳукумат – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими;

давлат хизмати – ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин;

сўров – ариза берувчининг давлат хизмати кўрсатилиши тўғрисида давлат органларига юбориладиган талаби;

ариза берувчи – давлат органига сўров билан мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахс;

идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш – давлат органлари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида маълумотлар алмашиш;

электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари – ҳар бир жисмоний ва юридик шахсга, кадастр ва кўчмас мулк объектларига, географик ва бошқа объектларга бериладиган, уларни электрон ҳукуматда идентификациялаш имконини берувчи ноёб кодлар;

электрон давлат хизматининг регламенти – электрон давлат хизмати кўрсатишга доир тартибни ва талабларни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат;

электрон давлат хизмати – ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилган ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати.

Қонунга биноан электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг масъулиятини ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;

ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудида давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;

ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида давлат органларининг маълумотлар базаларини, Ягона интерактив давлат хизматлари порталини ва Электрон давлат хизматларининг ягона реестрини шакллантириш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизмларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» принципини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларини электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек давлат органларидан ахборот олиш жараёнларида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амалга ошириш тизимларидан фойдаланишини, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини амалга ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини ва банк-молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шаклларини ривожлантириш.

Шунингдек, электрон ҳукуматнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги;

электрон давлат хизматларидан ариза берувчиларнинг тенг равишда фойдаланиши;

«бир дарча» принципи бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш;

давлат органларининг ҳужжатларини бирхиллаштириш;

электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш;

электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Давлат органларининг электрон ҳукумат соҳасидаги фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ очиқ ва шаффоф тарзда амалга оширилади.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи бундай хизмат кўрсатиш учун бошқа давлат органларида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиши талаб этиладиган ҳолларда электрон давлат хизмати кўрсатиш «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилади, бунда электрон

давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи мазкур ҳужжатлар ва маълумотларни мустақил равишда, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олади.

Қонунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш принципи қуйидагича белгилаб қўйилган:

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари электрон давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаши шарт.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари шахсга доир маълумотлар, шунингдек давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар муҳофаза қилинишини ва улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олди олинишини таъминлаш юзасидан зарур ташкилий-техник чоралар кўради.

Электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органларининг ахборот тизимларида ва ахборот ресурсларида сақланадиган шахсга доир маълумотлардан улар қайси ариза берувчига тааллуқли бўлса, ўша ариза берувчининг розилиги билан уларга ишлов бериш, уларни узатиш ва олиш учун фойдаланилади, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно.

Ўз расмий веб-сайтларининг доимий ишлашини, шунингдек уларда электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги ахборот эълон қилинишини таъминлайди;

Ўз таркибий бўлинмаларида ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини таъминлайди;

электрон давлат хизматлари кўрсатилишининг бориши тўғрисидаги ахборотнинг ариза берувчилар томонидан ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари орқали олиниши имкониятини таъминлайди;

электрон ҳукумат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади.

Давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Маданиятлараро тўқнашув** – ўзга миллатлар маданияти ва миллий кадриятларини емириш, унинг ўзрига ўзининг маданиятини тикиштиришга қаратилган ҳаракатдир. Вертуал олам бундай курашлар учун жуда қулай восита. Бироқ, ҳақиқий маданиятли инсонлар ўзгалар маданиятини барбод қилиш учун ҳаракат қилмайди. Ҳар бир халқ ўз маданиятини асраш ва ривожлантиришга интилади. Диний бағркенглик ва ўзаро тотувлик қанчалик муҳим аҳамият касб этса, маданиятлараро уйғунлик ҳам шу қадар муҳимдир. Аслида турли халқларнинг маданияти бир-бирини бойитишга хизмат қилади. Қўштирноқ ичидаги “маданият” қайси мамлакатда пайдо бўлса ё урчиб кетса, у ўша халқ маданиятининг кушандасига айланади. Шунинг учун тамаддун – умумбашарий маданият ривожига хизмат қилиши зарурлигини кўпчилик эътироф этади.

Гуманизм – барча миллатлар, халқлар учун бирдек қадрли. Вертуал медиамаконда турли маданият вакиллари ана шу ҳаёт ҳақиқатини теран

англаган ҳолда маънан бирлашишга ҳаракат қилади. Шунинг учун вертуал оламда ўз-ўзидан самарали, нозиддиятли ҳамкорлик давом этаётгани кузатилмоқда.

Ҳозирги пайтда деярли бирор ижтимоий тармоқда бир-бирининг урф-одатларини, анъаналарини, маданиятини камситишга қаратилган саъй-ҳаракат кузатилмайди. Ирқий камситишларга аллақачон барҳам берилгани каби бирор миллатнинг маданиятига тажовуз қилиш ҳоллари учрамайди. Вертуал оламда бугун тафаккурли жамиятлар вакилларининг гуманистик қарашлари, ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлари кузатилмоқда.

Сўнгги йилларда ахборот оқимининг бир неча баробар тезлашиши, ижобий маълумотлар билан бир қаторда салбий характердаги ахборотнинг кўпайиши медиасаводхонликка эга бўлиш заруратини кўйди. Анъанавий тарзда медиасаводхонлик шахснинг адабий асарларни таҳлил эта олиш ва сифатли матнларни яратишдан иборат бўлган. Бугун медиасаводхонлик – бу ахборотнинг нега ва нима учун узатилаётганлигини билиш демакдир.

**Медиасаводхонлик** тушунчаси борасида олимларнинг турли фикрлари мавжуд бўлиб, Лондоннинг Қироллик университети профессори С.Файрстоуннинг фикрига кўра эса, медиасаводхонлик бу ҳаракат бўлиб, унинг асосий вазифаси инсонларни аудиовизуал ва босма матнларнинг маданий аҳамиятини тушуниш, яратиш ва баҳолашга ундашдан иборат. Инглиз сиёсатшуноси Р.Кибей эса медиасаводхонликни турли хил шаклларда маълумотларни узатиш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш деб тушунади. М.Гуэттерз эса мультимедиасаводхонлиги ўз ичига мультимедиа хужжатларини шакллантиришга қаратилган тилларни билиш, ахборотни қайта ишлашга қаратилган қурилма ва усуллардан фойдалана олиш, янги мультимедиа технологияларини билиш ва уларни баҳолай олиш, медиаматнларни танқидий қабул қилишни ўз ичига олади дейди.

Медиасаводхонлик инсон жамиятда фуқаролик масъулиятини ҳис қилган ҳолда, медиамаҳсулотларни қабул қила олиши, яратиши, таҳлил эта олиши ва баҳолаши, замонавий медианинг ижтимоий-маданий ва сиёсий мазмунини тушуна олишдир.

Медиасаводхонлик ҳар бир ахборотга рационал ёндашиш ва холис қараш ҳамда интернет орқали узатиладиган салбий ғояларини ўзида ифода этувчи ахборотларни моҳиятини тушунган ҳолда таҳлил қилишдир.

**Медиамаданият ва медиасаводхонлик** бир-бирига узвий ҳолда акс этади, ривожланади. Бугунги кунда медиамаданият, медиасаводхонлик, медиатаълим каби йўналишларни янада такомиллаштирилиши ҳамда бунга турли ижтимоий институтлар ва тизимларнинг таъсир даражасини чуқурроқ таҳлил этиш муҳим саналади. Шу билан бирга, медиамаданият ва медиасаводхонлик ролининг ўсиши (мамлакат ва минтақа, ҳукумат ва жамият, жамият ва шахс ўртасида боғловчи восита сифатида), медиамухитда содир бўлаётган ўзгаришлар характери ҳамда унга таъсир қилувчи ижтимоий маданий омилларнинг сабабларини аниқлаш бугунги давр нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади.

Шахс ва маданиятнинг ўзгариши ёш авлоднинг жиддий муаммоларга дуч келишига сабаб бўлмоқда. Бундай ўзгаришлар, асосан, оммавий ахборот воситаларининг таъсири остида цивилизациянинг тараққий этиши билан боғлиқ ҳолда содир бўлмоқда.

Бизга маълумки, оммавий ахборот воситалари мамлакат ва дунёдаги янгилик ва хабарларни узатиш орқали шахснинг дунёқараши ва билимини оширишга хизмат қилади. Оммавий ахборот воситалари каналлари орқали узатиладиган кичик хабардан тортиб, йирик таҳлилий материалгача, ҳаттоки реклама ва эълонлар ҳам аҳолига энг сўнгги янгиликлар, товарлар ва хизматлар соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берар экан, аҳолига замоннинг энг сўнгги ютуқларидан бохабар бўлишга, улардан фойдаланиб яшашга ўргатади. Таъбир жоиз бўлса, оммавий ахборот воситалари орқали бундай таъсир, яъни шахс билими, дунёқараши ва яшаш тарзига таъсир этиш инсоннинг бутун ҳаёти давомида узлуксиз тарзда ҳар куни амалга ошади. Кундалик ҳаётида интернет технологиялари ва мобил телефонлардан фаол фойдаланаётган ёшлар учун эса мазкур жараёнлар янада фаолроқ рўй бермоқда. Ҳозирга келиб, таълим муассасаларида дарс машғулотларида айнан телевизион маҳсулотлар, видеолавҳалар, матбуот нашрлари материаллари, интернет саҳифаларида эълон қилинган материаллардан унумли фойдаланиш кенг оммалашаётганини эътиборга олсак, медиатаълим асосида медиамаданият ва медиасаводхонлик ёшлар турмуш тарзининг муҳим қисмларидан бирига айланиб бораётганини кузатиш қийин эмас.

Бугунги кунда медиатаълим, медиасаводхонлик, медиамаданиятни ўрганишга бўлган интилишнинг асосий мақсади мафкуравий таҳдидларни ўзида акс эттирган ахборотларнинг яратилиши, унинг тарқалиш сабабларини тушуниб етиш, тижорат, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий мақсадларда тарқатилаётган бундай салбий ахборотларнинг асл мақсадини тўғри англаган ҳолда уни баҳолай олишдан иборатдир. Шунингдек, ёшларни ахборот билан ишлаши, ахборот қидириши, зарурларни ажрата билиши, қайта ишлаши, тартибга келтириши, ахборот мазмунини тушуниш мантиқий яқинларини ажратиши муҳим масалалар сирасига киради. Чунки шулар асосида ёшларда ахборот истеъмол маданияти шаклланади. Шунинг баробарида ахборот-коммуникация воситалари ёшлар таълим жараёнининг муҳим қисмига айланар экан, турли оммавий ахборот воситалари материаллари, хусусан, халқаро ҳаёт, бошқа давлатлар аҳолисининг яшаш тарзи ҳақидаги таҳлилий ахборот материаллари, халқаро характердаги рекламаларни узатишда уларнинг давлатимиз ёшлари дунёқарашига қандай таъсир этиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Ёшларнинг интернет тармоғига кўп ташриф буюришини эътиборга олиб, тармоқда миллий ахборот тизими ва манбаларини янада бойитишга ҳаракат қилиш керак. Ёшларнинг интернетдаги ахборот хуружларидан ҳимоялашда шу давргача глобал маконда миллий ахборот манбаларини кучайтириш тажрибаларини ўрганган ҳолда, ўзбек тилидаги фойдали сайтлар мазмунини бойитишга интилиш зарур бўлади. Замонавий жамиятда ижтимоий модернизация жараёни, фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнлари, албатта, XXI

асрда яшовчи шахснинг медиамаданияти ва медиасаводхонлиги билан узвий боғлиқ.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Дигиталлашув, конвергенция, глобаллашув терминларига таъриф беринг.

2. Коммуникацион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат саъй-ҳаракатларини қайси ҳокимият тизимида кўришимиз мумкин?

3. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси ва коммуникацион сиёсатнинг устувор йўналишларини тушунтиринг.

4. Ахборот жамияти шароитида давлат бошқаруви масалалари. Мамлакатнинг инновацион тараққиёти ва коммуникациялар соҳаси ривожланишининг таҳлил қилинг.

5. Электрон ҳукумат нима?

6. Оммавий коммуникация воситаларининг эволюцияси ва демократлашуви.

7. Инсон жамиятда фуқаролик масъулиятини ҳис қилган ҳолда, медиамаҳсулотларни қабул қила олиши, яратиши, таҳлил эта олиши ва баҳолаши, замонавий медианинг ижтимоий-маданий ва сиёсий мазмунини тушуна олиши учун қандай билимга эга бўлиши керак?

### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни. –Т 2014 [lex.uz](http://lex.uz)
4. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.-Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
5. Землянова Л.М. Зарубежная коммуникативистика в преддверии информационного общества. Толковый словарь терминов и концепций. –М.: Изд. МГУ, 1999.
6. Daniel Black, Stephen Epstein and Alison Tokita. Media Flows, Soft Power and East Asia. Monash University. 2010. (1-боб)
7. Herlander Elias. Post-Web. The Continuous Geography of Digital Media. Formal Press Publishing House. Portugal. 2012. Б. 80-88.
8. M.Smikiklas. Infografika. USA. Indiana, Indianapolis: 2014. P. 23-25

## 2-мавзу: АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ.

### Режа:

1. Медиясаводхонлик, манипуляцияни аниқлаш усуллари, ахборот маконида йўналтириш
2. Оммавий ахборот ва коммуникация воситалари ахборотининг ишончлилиги масаласи.
3. “Ахборот хуружи”: янги усуллар ва ёндашувлар.
4. Ахборот макони ҳамда “ахборот хуруж”лари шароитида
5. Тармоқ коммуникациялари тараққиётидаги замонавий тенденциялар.

**Калит сўзлар:** медиясаводхонлик, манипуляция, ахборот макони, “ахборот хуружи”, ахборот жамияти, онлайн журналистика, фуқаролик журналистикаси, блогсоҳа, конвергенция, рақамлашув (дигитализация), инфотейнмент, эдютейнмент, инфорториал, глобаллашув, интерактивлик, ихтисослашув ва тармоқлашув, мультимедиялилик, гиперматнлилик.

1. Медиясаводхонликнинг таянчи жиҳати – медиа маҳсулотини танқидий тарзда қабул қилиши ва медиалар орқали ўзини ифода этишдир. Медиа ва ахборот саводхонлиги ЮНЕСКО томонидан ягона истилоҳ сифатида тақдим этилади. У 21 асда медиалар ва бошқа ахборот етказиб берувчилар (кутубхона, Интернет, архивлар) табиатини англаш ва уларнинг жамиятда тутган ўрин ва функцияларини идрок этишни билдиради. Медиясаводхонлик ҳар бир инсоннинг коммуникацияга бўлган ҳуқуқини амалга ошишга кўмаклашади. У медиалар фаолиятини баҳолаш, мақсадлои аудиторияга етказиб бераётган ахбороти мазмунини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Медиа ва ахборот саводхонлигига эга инсонлар:

- медиалар таъсири ва уларнинг етказаётган ахбороти мазмунини билишга
  - мустақил қарорлар қабул қилишга;
  - атроф дунё ҳақидаги янги ахборотни олишга;
  - жамоавийлик хисини шаклланишига;
  - оммавий дискурсни қувватлашга;
  - ҳаёт давомида таълим олишга;
  - ахборот яратишага;
  - тарқидий фикрлашга;
  - медиаларни ўз ўзини ифода этишга ва ижод қилишга
- Хавфсизлик чораларини кўришга ва масъулиятга;
- демократик жамият ҳаётида фаол иштирок этишга ва глобал ахборот тармоғида иштрок этишга ёрдам беради.

Медиалар ифодаланишининг шакл ва усуллари мунтазам ривожланиб боради, демак медиа ва ахборот саводхонлиги ҳам узлуксиз тарзда шаклланиб бориши зарур.

Бу маънодаги билим ва кўникмаларимизни қанча чуқур ишга солсак, шунчалик медиа тузилмаларнинг фаолиятини яхши ўрганган бўламиз. Медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича шахсий кўникмаларни такомиллаштиришнинг энг самарали усули медиалар хусусидаги қаршлар билан бошқалар билан ўртоқлашиш. Бундан ташқари и медиакўникма, медиатанқид, медиатили ҳақида ҳам гапириш мумкин. Буларнинг барчаси фойдаланувчиларнинг таҳлилий ва техник кўникмалари билан боғлиқ. Шахсий медиаконтентни яратиш – бошқаларнинг медиаконтентини баҳолашнинг энг самарали усулидир. Media Education. A Kit for Teachers, Students, Parents . Editor Divina Frau-Meigs. UNESCO. 2006. P 19-21.

Информацион технологияларнинг жадаллик билан тараққий этиши мамлакатимизда ҳам интернет журналистиканинг ривожланиши ва оммалашшига олиб келди. Ҳозирда Интернет журналистика Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ичида тезкорлиги бўйича биринчи, аудиториясининг кўплиги ва таъсир дорасининг кенглиги бўйича телевидениедан сўнг иккинчи ўринга чиқиб олди.

Интернет журналистика энг тезкор ОАВ сифатида матбуот, радио, телевидение имкониятларини ўзида жамламоқда. Энди сиз бирон ахборот билан танишиш учун газета чоп этилишини, ТВ ёки радиода янгиликлар дастури бошланишини кутиб ўтирмайсиз. Энг катта интернет-нашрлари матн, фото, тасвир, овоз, инфографика каби элементлардан фойдаланиб, хабарларни интерактив тарзда етказмоқда. Интернет-радио ва Интернет-телевидение йўналиши ҳам жадаллик билан ривожланмоқда.

Ҳозирда uz миллий доменида 54000 дан ортиқ ном рўйхатга олинган, улардан 450 таси ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тақдим қилган маълумотларга кўра, 2018 йил январь оyi ҳолатига кўра, Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 20000000 кишидан ошган. Бу ўтган йилгига нисбатан 5,3 млн.га кўп бўлиб, Ўзбекистон умумий аҳолисининг 63 %и глобал тармоқ фойдаланувчисига айланган. Уларнинг аксарияти интернетдан мобил телефонлари орқали фойдаланадилар. Ўзбекистондаги мобил телефон абонентлари сони эса 22800000 кишидан ошган. Таққослаш учун: мамлакатимизда интернет фойдаланувчилари сони 2000 йили 7500, 2005 йили 675000, 2010 йили 6500000, 2015 йили 10200000 кишини ташкил этган.

2017 йилда интернет фойдаланувчиларининг кескин ошиши ўтган йилда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, эркинликлар самараси ҳамда уларнинг интернет сайтларида батафсил ва тезкор ёритилиши билан боғлиқдир.

Президент матбуот хизматининг ислох қилиши ва самарали фаолият юритиши он-лайн журналистикага ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасининг интернетда жонли олиб берилиши журналистика тарихида катта воқеа бўлди.

Илк бор мана шундай олий даражадаги тадбир ўша вақтнинг ўзидаёқ хабар сайтларида ёритилди, таҳлил қилинди, бутун дунёдан муносабатлар билдирилди. Авваллари бундай учрашувлар ўтиб бўлгандан сўнг бир қанча қайчилашлардан сўнг эфирга узатиларди. Баъзи тадқиқотчиларнинг ҳисобига кўра, ушбу мурожаатномани интернетда 4000000 киши кузатди.

2. Оммавий ахборот воситалари омма онгини манипуляция қилишда энг асосий восита ҳисобланади. ОАВ фикр ва қарашлар ва уларнинг шакллари шакллантиради, айнан ОАВ нима меъёрда ва қабул қилиниши мумкин эканлиги белгилайди.

ОАВ орқали дастурлаш

ОАВ имкон қадар энг катта аудиторияларга эга бўладиган воситадир. Улар таркибига бугун телевидение, кино, радио, газеталар, журналлар, китоб, пластинка, видеоўйин ва Интернет киради. Ўтган асрдда бу маънода, ОАВнинг аҳолига таъсирини ўлчаш ва унга эришишнинг энг яхши усулларни аниқлаш учун кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Ва улар натижасида алоҳида фан соҳаси юзага келган. Оммавий коммуникация катта демократиянинг функционаллигини таъминлаб берувчи восита ҳисобланади.

1958 йилда “Мўъжизавий янги дунё ” китобида Олдос Хаксли жамиятнинг сархуш портретини чизади: “шахсламаган куч” ила турли усуллари билан элита аҳолини манипуляция қилади, деб таъкидлайди у. “Шахсланмаган кучлар” устимиздан биз ҳеч қандай назорат ўрата олмаймиз ва бу бизни Мўъжизавий янги дунё даҳшати томон чорлайди ; ва бу кучлар онгли равишда маълум озчиликлар манфаатида турли манипуляция усуллари ишлаб чиққан тижорат ва сиёсий ташкилотлар вакиллари томонидан тезлаштирилган”

Унинг бу башорати шунчаки гипотеза ёки параноидал тафаккур ўйини эмас, балки ҳужжатлаштирилган фактдир. Ва у ОАВ га доир дунёдаги энг аҳамиятли тадқиқотларда ўз аксини топган.

Уолтер Липпман

Уолтер Липпман, америкалик ёзувчи, 2 маротаба Пулитцер мукофоти совриндори 1922 йилда омма хукмрон синф томонидан раҳбарликка мухтож "буюқ махлук" ва «ўзини йўқотган пода» деб таърифлаган. Хукмрон элитани у " манфаати муайян ҳудуд доирасидан чиқиб кетадиган махсус синф” деб муносабат билдирган. Мазкур синф эксперт, мутахассилар ва чиновниклардан таркиб топган. Экспертлар, Липпман фикрича, англаш механизмини ташкил этувчи кучлар бўлиб, улар демократиянинг асосий камчилигидан мустаснодирлар, яъни барча ваколатга эга фуқароларнинг

мумкин бўлмас идеалидир. «Ўзини йўқотган пода» ҳам ўз функциясига эга: “ҳаракатнинг манфаатли томошабинлари” масъулиятли инсон” мажбуриятига эга бўлган нофаол фуқаро бўлишдир. Шу боис ОАВ жамоатчилиқни жисмоний тазъиқсиз элитанинг манфатларини тарғиб этувчи куч ҳисобланади. Аҳамиятли жиҳати жамоатчилик онгинин манипуляция қилиш орқали “келишувни ишлаб чиқиш” керак бўлади. Липпман фикрича, кенг жамоатчилик муҳим масалалар бўйича фикр юритиш ва қарор қабул қилишга ҳақли эмас”. Шу боис ҳукмрон доиралар “ўз фаровонлиги учун” мазкур қарорларни оммага сотиши зарур.

Жамоатчилик фикри юзага келиши ҳам осон жараён эмас. Турли психологик тадқиқотлар ва замонавий алоқа воситалари демократиянинг илгариллашига катта замин яратди. Ташвиқот орқали тафаккуримизнинг эски ақидалари ўзгара бошлайди.

"АҚШда сиёсий ва иқтисодий ҳокимият ҳукмрон элита қўлида бўлиб", у кўпмиллатлари корпорациялар, асосий ОАВ ва коммуникациялар, катта таъсирга эга жамғармалар, йирик хусусий университетлар ва аксарият коммунал хизматларга эгалик қилади. Масалан, 1921 йилда ташкил этилган Ташқи алоқалар Кенгаши йирик корпорация ва федерал ҳукумат ўртасидаги воситачилиқни амалга оширади. У “давлат арбоблари учун мактаб ” вазифасини бажаради.

БМТ, ХВФ ва ЖБ Шу кенгашга Дэвид Рокфеллер, Дик Чейни, Барак Обама, Хилари Клинтон, мега-черков пастори Рик Уоррен, CBS, Nike, Coca-Cola и Visa компаниялари раҳбарлари киради.

Карл Юнг –таҳлилий психология(яъни ту, санъат, мифология, дин, символлар ва фалсафа тадқиқоти орқали инсон руҳиятини ўрганувчи) асосчиси(юнгин психология). У психологиядаги кўплаб атамаларнинг асосчиси:

архетип, комплекс, Персона, интравертлик и синхронлик. Унинг оиласи оккультизм таъсирида бўлган. Карл Густав, унинг бобоси, масонлар ложаси мунсуб бўлиб, Буюк Уста даражасига эришган. Айнан шу сабаларга кўр ҳам у шарқ ва ғарб фалсафаси, алхимё, астрологии ва символизмга қизиққан. Унинг энг машхур илмий тадқиқоти – жамоавий онгсизлик концепциясидир

Унинг асосий ғояси: Бизнинг шахсий феълга эга бўлган, ва ягона эмпирик психика ҳисобланган бевосита онгимизга кўшимча сифатида жамоат, универсал ва шахссиз феълга эга существует иккинчи руҳий тизимимиз мавжуд ва барча зотларда идентик тарздадир. Бу - жамоавий

онгсизлик. У индивидуал тарзда ривожланмайди, аммо наслдан ўтади. У олдин мавжуд бўлган онгли ва иккиламчи мазмунга эга бўла оладиган шакл, архетипда намоён бўлиб, муайян психик мазмунга муайян шаклни берувчи категориялардир

Жамоавий онгсизлик турли цивилизацияларда мавжуд символ ва мифологик фигураларда ўзини ифодалайди. Архетипик символлар бизнинг жамоавий онгсизлигимизга киритилган бўлиши мумкин, уларга таъсир этиш жараёнида биз табиий жозиадорлигимизи намоёниш этамиз. Шу боис оккультизм символлари инсонларга катта таъсир ўтказиши мумкин. Зеро ҳамма одамларга ҳам символларнинг эзотерик маъноси тақдим этилмаган бўлсада. Эдвард Д. Бернайс, ОАВни жамоатчиликнинг шахсий ва жамоавий онгсизлигини манипуляция қилишнинг аъло усули деб таърифлайди.

Бернайс «жамоатчилик билан алоқаларнинг отаси» деб тан олинган. Унинг амакиси Зигмунд Фрейд, онгости хусусиятларига таяниб, жамоатчиликни манипуляция қилишга доир бир нечта истилоҳларни аниқлаб берган. Бернейс Уолтер Липпманнинг аҳолини «подага хослигини» инобатга олиб уни иррационал эканлиги ҳақидаги қарашини кўрватлайди. Унинг фикрича, демократия яшаши учун омма кўринмас ҳукумат томонидан бошқарилиши зарур.

"Омма одатлари ва фикрини онгли ва интеллектуал манипуляцияси демократик жамиятда муҳим унсур саналади. Жамиятнинг мазкур кўринмас механизмини бошқариб турувчилар, мамлакатнинг асл ҳукмрон кучлари саналади.

Биз ҳеч қачон этишмаган ва кўрмаган одамлар бизларни бошқарадилар, бизнинг ақлимизни, дидимизни шакллантирадилар. Бу эса демократик жамиятимиз қандай ташкил этилгани натижасидир. Агарда кўплаб инсонлар бирга яшашга азм қилган бўлсалар, улар ҳамкорлик қилишлари зарур. Бизнинг кўринмас губернаторларимиз кўп ҳолларда ички кабинетдаги ўз ҳамкасабалари шахсиятини билмайдилар.

Бернайс фикрича, услуб шакллантирувчи маркетинг компаниялари америка жамиятини тубдан ўзгартирганлар. Улар истеъмолчиликни ҳаёт учун кураш мақсадида эмас, балки кайфиятни яхшилаш учун товар сотиб олиш маданиятини яратиш орқали юзага келтирдилар. Шу боис Life журнали уни 20 аснинг таъсир кўчига эга бўлган 100 нафар таниқли инсонлар сирасига киритилди.

Лассуэл 1939-1940 йилларда Алоқа масалалари бўйича Чикаго университетиде туркум яширин семинарларни ташкил этилганди. Ушбу Марказлар Рокфеллер Фонди томонидан молиялаштирилиб, коммуникация ва социология соҳасидаги таниқли олимлар ишларди. Улардан бири Лассуэл, сиёсатшунос, ташвиқот таҳлили масалалари билан шуғулланувчи назариётчи бўлган.

Демократия ва халқ ҳукумат томонидан бошқарилиб, ташвиқот воситасида жамоатчилик фикрини шакллантириш эвазига ҳокимиятни қўлда ушлаб турган. Лассуэл ўз ижтимоий фанлар Энциклопедиясида элитага унга кулоқ солишлари учун зарур куч етмаганда , ижтимоий менежерлар назоратнинг янги усулларига асосан пропаганда орқали мурожаат этиши мумкин деб ёзган.

Пропаганданинг турли кўринишларини самарадорлигини ўрганиш учун у контент таҳлили билан жиддий шуғулланган. “Мулоқот мазмуни” китобида Лассуэл хабар(фильм, китоб, нутқ, китоб ва б) маъносини тушуниш учун ундаги муайян символларнинг учраш частотаси, символларнинг ҳамда интнсивлигини эътиборга олиш керак деб ҳисоблаган.

Лассуэл таҳлил асосида ўз медиа-моделини ишлаб чиққан на

Кто (гапиряпти) Что (нимани гапиряпти) Ким билан (в) Қагдай каналда (с) Қандай таъсир

Яъни мазкур модель бўйича медиа-маҳсулотни таҳлил қилиш учун

У ким томондан ишлаб чиқилган(ким уни ишлаб чиқаришга буюртма берган) , қайси мақсадлои аудиторияга йўналтирилган ва у аудиторияга қандай таъсир кўрсатади (хабар беради, фикр шакллантиради, ишонтиради, сотади ва ҳк.) деган саволларга жавоб бериш зарур.

Мисол Rihanna клипи

Унинг таҳлили қуйидагича:

Ким ишлаб чиқарди: Vivendi Universal

Нима: поп-ижрочи Rihanna;

Кимга: 9- 25 ёшдаги истеъмолчиларга

Қандай Канали: мусиқали видео(клип)

Қандай самара: Рассом картиналари сотуви, Rihanna кўшиғи, образи, унинг хабарлари

Vigilant Citizen маҳсулотлари таҳлилида

Жамоатчиликка узатилаётган хабарнинг орқасида “ким тургани” катта аҳамиятга эга.

Омма устидан яширин ҳукмронлик қилаётган кичик элита гуруҳини таърифлаш учун бундай "Иллюминатлар"дан тез-тез фойдаланилади. Зеро мазкур истилоҳ карикутара мазмунига эга бўлиб , элитанинг яширин жамиятлар ва оккульт билимлар билан яқинлигини ифодалайди.

Шахсан ўзим ОАВда юза бераётган жараёнларни таърифлаганда "фитна назарияси" истилоҳидан фойдаланмаган бўлардим.

Агарда тармоқнинг элитар феълига доир фактлар жамоатчиликка маълум бўлса, улар “финта” бўла оладими?

Медиа-корпорацияларнинг бирлашуви маданият индустриясининг стандартлашишига олиб келди. Нима сабабдан охири вақтларда ҳамма мусиқа ва фильмлар бир хил эшитилмоқда ва кўринмоқда деган ўзингиз га савол берганмисиз?

Медиа -мулк кўриниши

Графикда кўрсатилганидек охири 20 йилда аксарият ОАВга эгалик қилаётган корпорациялар сони 50дан 5 га тушди.

Time Warner компаниясининг сифатлари 10 қоғог матни эгаллайди ва 292 алоҳида компания ва корхоналар қиради. Булар 22

ҚК ва ОАВ билан боғлиқ операцияларда иштирок этадиган йирик корпорациялар Улар орасида 3Com, eBay, Hewlett-Packard, Citigroup, Ticketmaster, American Express, Homestore, Sony, Viva, Bertelsmann, POLYGRAM ва Amazon.com.

Time Warner сифатларига тўла эга бўлган Ой китоби клуби; Little, Brown нашриётлари; 7 та каналли HBO, CNN; 7та ихтисослашган ва хорижий талдаги каналлар, Road Runner; Warner Brothers Studios; Оммавий фан ва 52та овоз ёзувчи компаниялар

3. Ахборот кўшимча воситадан мустақил кучга айланиб бормоқда. Бу маънода “ахборот хуруж”лари нафақат ҳарбий соҳада, балки кундалик ҳаётда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хатто президент сайловлари ҳам шундай бир ҳароратга кзтариладики, улар сиёсий кампаниядан ахборот урушига айланишгача ўзгариб боради. Ва бунда ягона мақсад: ўз рақибини қандай бўлмасин (албатта жисмоний маънода эмас) бартараф этишга эришишдир.

Жаҳон илмий техник тараққиётининг ҳозирги босқичи янги ахборот технологияларининг шиддатли ривожини ва ҳаётга кенг татбиқ этилиши билан эътиборлидир. Ҳаётимизнинг барча соҳаларига тобора сингиб бораётган ахборот инқилоби халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини очиб бермоқда. Натижада шундай яхлит ахборот макони шаклланиб, унда ахборот – миллий бойликларининг муҳим қисмига, унинг стратегик ресурсига айланмоқда. Унга кўра, мулоқотимизга янги “ахборот макони”, “ахборот шовқини”, “ахборот тақчиллиги”, “ахборот эҳтиёжлари”, “ахборот сиёсати” ва “ахборот хуружи” каби тушунчалар кириб келмоқда.

АҚШда Интернетдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишни биринчи бўлиб Пентагондаги ҳарбийлар бошлаган эди. Интернет билан боғлиқ бўлган лойиҳалардан саховатини аямаган давлатнинг куч-қуввати тез орада АҚШнинг ана шу соҳадаги устунлигини таъминлади. Япония ҳукумати ҳам ўз ахборот технологияларини ундан кам бўлмаган кучли ҳимоя билан таъминлай олди. Чунончи, мутахассислар ахборот соҳасида ҳозирча энг муҳим деб ҳисоблаётган ҳужжатлардан бири 2000 йилнинг июль ойида Япониядаги 26 йиллик учрашувда жаҳондаги йирик саккиз давлат (G-8) ўртасида қабул қилинганлигини эътироф этиш мумкин. Ушбу ҳужжат “Глобал ахборот жамияти тўғрисидаги Окинава Хартияси” (Okinawa Charter on Global Information Society) деб номланиб, унда давлатларнинг мазкур жамиятга аъзо бўлиш шартини ва асослари кўрсатиб ўтилди. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши, бир томондан ахборот ва ахборотлаштиришнинг ривожланаётгани ва жамият ҳаётининг таркибий қисмига айланаётганини эътироф этади. Шунингдек, ер юзида ягона ахборот макони яратишга интилиш ифодаси бўлса, иккинчидан бундай тараққиёт оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларга қарши туриш учун ҳуқуқий асос яратиш заруриятини англатади. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат бугунги кундаги мавжуд ижтимоий-сиёсий тизимни ахборотлаштириш ўта муҳимлигини ҳам тасдиқлайди.

Манбаларга кўра, глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида фаоллик XX асрнинг 70-йилларидан буён амалга ошириб келинмоқда. 1976 йилдан 2004 йилга қадар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимояланиш бўйича Бош котибнинг 10 дан ортиқ маърузаси ва хизмат хатлари, шунингдек Бош Ассамблеясининг 20 га яқин резолюцияси қабул қилинган. Жаҳонга гегемонликни даъво қилувчи давлатлар томонидан мафкуравий тарғиботни амалга ошириш учун катта маблағлар ажратилаётган айни бир паллада, ҳар қандай давлат, у саноатлашган, жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган

давлат бўладими ёки эндигина мустақилликни қўлга киритиб ривожланаётган давлатми, бундан қатъи назар, ўзининг хавфсизлигини таъминлашга, мамлакат фуқароларини мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялашга жиддий эътибор қаратади. Қатор ривожланган Ғарб мамлакатларида “Ахборот уруши”, “психологик уруш” каби атамалар қўлланилади. Ўзбекистонда эса “мафкуравий таҳдид” деб аталувчи ҳодиса ҳамда “ахборот уруши”, “психологик уруш” каби атамалар моҳиятан бир-бирига яқин туради. Етакчи хорижий мамлакатлар ўзларини ҳудди ана шу ахборот-психологик урушларидан ҳимоялашга катта эътибор қаратган.

Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизга қарши қаратилган инфор­мацион хуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзимиздан чиққан айрим тили бурро шоввозларни, турли ниқоблар остида ўзини ҳаммадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишини даъво қиладиган кимсаларнинг сохта уринишларини фoш этиш ҳам халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг амалий намоёнидир.

Айни кунда, республика­мизда жамиятимизга ёт бўлган ғояларнинг кириб келишига қарши мукам­мал тизимли кураш олиб бориш мақсадида, ахборот коммуникация тизимларини такомиллаштириш ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларини, интернет тизимини назорат қилиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун юридик ва жисмоний шахслар томонидан ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланиш йўналишидаги миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, компьютер хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш масалаларида уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида қабул қилинган.

Айтиш керакки, ахборотлашган жамиятгина турли “ахборот хуружлари”дан мустаҳкам ҳимояланиши мумкин. Шунинг учун ҳам республика­мизда 2014 йил 5 майда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун ижро ҳокимияти органлари фаолияти, юртимизда амалга ошири­лаётган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошқоралиги, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни таъминлаш, шу билан бирга, ахборот-психологик хавфсизликни амалга оширишнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади.

Қолаверса, хорижий мамлакатлар билан амалга ошириладиган ўзаро алоқалар ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан тажриба алмашиш учун катта имкон яратади. Хусусан, 2014 йил пойтахтимизда Корея интернет ва хавфсизлик агентлиги (KISA) ҳамда Бутунжаҳон банки билан ҳамкорликда “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар” мавзуида республика семинари ташкил этилди.

Унда 120 дан зиёд давлат органларининг алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари, масъул ходимлари, шунингдек, қўмита тизимидаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази, “UNICON.UZ” ДУК ва бошқа муассасалар мутахассислари иштирок этди.

Семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш йўналишидаги миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, компьютер хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этишнинг замонавий усуллари, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро тажрибасини ўрганишдан иборат эди.

Шундан кўринадики, халқаро тажриба маълум бир қолипда ишлаш тизимини ёқламайди. У доимий равишда изланишни, энг сўнгги замонавий билимлар билан бойитиб боришни талаб этади. Бу борада эса, озми-кўпми тажриба, ютуқларга эришмоқдамиз.

Мухтасар айтганда, мазкур вазиятда миллий ОАВ “манипуляцияга қарши манипуляция” тамойилини қўллаши мақсадга мувофиқдир.

Агар маҳаллий оммавий ахборот воситалари ўз вақтида аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондира олмаса, турган гапки, ташқаридан уюштирилаётган ахборот хуружларига кенг йўл очиб берилган бўлади. Бу эса жуда хавфли жараёндир.

Ахборот урушлари охириги 20 йил давомида ўз ривожига қуйидаги йўлни босиб ўтди:

- изчил равишда унинг техник жиҳатлари гуманитар мазмун касб этиб борди,
- гуманитар жиҳатнинг когнитив ўлчамигача чуқурлаши, ва бу хуруж мақсади ўзгаришида акс этади.
- Киберурушнинг кучайиши ва бунда электрон воситаларнинг еткчилик қилиши;
- <sup>1</sup>.(Mind Control Theories and Techniques used by Mass Media 806
- BY VC ON APRIL 28, 2010VIGILANT REPORTS P 2-16)
- 

Дж. Аркилла (Arquilla J. Thinking about information strategy / / Information strategy and warfare / A guide to theory and practice. — New York — London, 2009) бу соҳада қуйидаги муаммоларни аниқлади:

- ахборот соҳасининг ривожланиши ва уни ҳарбий соҳа ҳамжихат бўлиши;

---

- <sup>1</sup> **Mind Control Theories and Techniques used by Mass Media 806**  
- BY VC ON APRIL 28, 2010VIGILANT REPORTS P 2-16

- тармоқ ташкилотларнинг кучайиши;
- ахборот операцияларининг мультимедиалашуви

Ахборот хуружлари кўп сабабларга кўра ҳозирги замоннинг ажралмас сифатига айланмоқда. Улар орасида:

Жамиятнинг ахборотлашуви босқичига кириш орқали ахборот компонентининг аҳамиятининг ўсиши;

Харбий лойиҳаларни яхши молиялаштирилиши;

Бу усуллар ички ҳаётда ҳам яширин равишда қўлланиши;

Шу боис ушбу соҳанинг ривожига кейинги қадам ташқи урушлар ҳақида гап кетганда ҳарбийларнинг стратегияси эмас, ички урушлар ҳақида гап кетганда сиёсатчиларнинг стратегияси эмас, балки стратегия ва тактиканинг мустақил вариантларини ишлаб чиқиш бўлмоқда.

АҚШ бундай узоқ муддатли урушларга кириши уни олиб боришнинг бошқа параметрларига эга. Бунда нафақат ҳарбийлар иродасини ошириш, балки ўз аҳолиси билан ишлаш ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Маънавий куч ҳарбийларнинг тадқиқот объектига айланмоқда. Бунда урушнинг адолатли олиб борилиши шартларига кўпроқ урғу берилмоқда. Яъни

Делегитимлаш нафақат рангли инкилоблар доирасида, балки ҳарбийлар учун хавф туғдирмоқда. Бугун урушлар жисмоний йўқотишларга йўналтирилиши мумкин эмас, чунки демократик малакатлар фуқаролари буни қабул қилмайди. Масалан, Алжирдаги французлар уруши учта ҳукумат ўзгаришига олиб келди.

Ҳозирда илгаридан фарқли ўлароқ университетларда маънавият феномени янча ҳолисона тадқиқ этилмоқда ах исследуют феномен нравственности на более объективной, (масалан, маънавиятни тадқиқ этувчи лаборатория сайти [www.mpmlab.org](http://www.mpmlab.org)). К. Грей инсонлар ёвузлик ёки эзгулик кучлироқ қиладиганларни кўпроқ қабул қилишларини илгари суради. Натижада улар ҳақиқатан ҳам жисмонан кучлироқ бўладилар Грей бу ҳолатни маънавий трансформация деб атайди.

Аҳоли билан ишлаш ахборот урушидан таъсир операцияларига ўтишни тақозо этади. Чунки асосий мақсад муайян бир ҳудуднинг эмас, бутун дунё харитасини ўзгартиришдир. Ахборот уруши ҳарбий операцияларнинг муваффақиятини кафолатловчи комплекс тизимга айланган.

Бу эса – ахборот билан ишлашнинг тамомила янги кўришидир ва у совуқ урушни эслатади. Аркилла совуқ уруш – бу ахборот тўқнашувидир (information-based conflict) деб ёзади. Уни тажриба сифатида эътироф этиб унинг давомида ахборот ва миллий куч ўртасидаги муносабатлар баҳоланишини айтган.

Бошқа мамлакатларга таъсир дастурлари сифатида ёпик жамиятларнинг очилишини айтиб ўтади. (Arquilla J., Ronfeldt D. Looking ahead: preparing for information age conflict // In Athena's camp. Preparing for conflict in the information age. Ed. By J. Arquilla, D. Ronfeldt. — Santa Monica, 1997). Мисол сифатида у Кубани келтиради. Агар анъанавий америкача ёндашув ташқаридан босимга асосланган бўлса, бунда мамлакатни ичкаридан либераллаштиришни назарда тутаяди.

Умуман у ахборотни инструмент сифатида киритишининг уч оқибатини айтиб ўтади:

- ахборот анъанавий сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳани ўзгартиради, бунинг натижасида ахборот стратегиясининг янги тармоғи пайдо бўлади.

- Очқлик стратегияси очқлик стратегияси билан ўзгартирилади ва ҳимоя қилинади.

Ва хулоса сифатида ахборот аста-секин қўшимча инструментадан мустақил кучга айланади ва бу уни қўллаш имкониятларини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида интернет журналистика тараққиёти борасида нечанчи ўринда турибди?
2. Глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида фаоллик қачондан буён амалга ошириб келинмоқда?
3. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинган?
4. Гиперматн, деганда нимни тушунади?
5. Дигитализация, яъни, рақамлашувнинг энг муҳим хусусияти нимада?
6. Технологиялар конвергенциясининг муҳим хусусияти нимада?
7. Медиа ва ахборот саводхонлиги мазмуни.
8. Уолтер Липпман назарияси мазмуни
9. Манипуляция нима вап унинг кўринишлари
10. ОАВ ахборот ишончилиги ги омиллари.
11. Ахборот хуружи моҳияти.
12. Замонавий ахборот хуружлари мазмуни эволюцияси

13. Маънавиятнинг ахборот хуружлари жараёнидаги бирламчи унсурга айланиши

**Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 508 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни. –Т 2014 [lex.uz](http://lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. /Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т.: Адолат, 2008.
4. Калмыков А.А., Коханова Л.А., Интернет-журналистика, –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005.
5. Рашидова Д.К. Интернет как источник журналистской информации. – Т.: Университет. 1999 г.
6. Дадахонов А. Онлайн журналистика тараққиётининг асосий тенденциялари. Маъруза матни.
7. Қосимова Н. Интернет журналистиканинг технологик асослари. «Маҳорат мактаблари» учун қўлланма. –Т.: 1912 й.
8. Media Education. A Kit for Teachers, Students, Parents . Editor
9. Divina Frau-Meigs. UNESCO. 2006. P 19-21.
10. Mind Control Theories and Techniques used by Mass Media BY VC ON APRIL 28, 2010 VIGILANT REPORTS P 2-16.

### 3-мавзу: ТЕЛЕРАДИОЖУРНАЛИСТИКА, МАТБУОТДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ.

Режа:

1. Телевидение ва радио бизнес тури сифатидаа.
2. Матбуотдаги бизнес-технологиялар.
3. Онлайн-макон бизнеснинг янги кўриниши сифатида

Калит сўзлар: телевидение, радио, медиа-бизнес, платформа, бизнес модели

1. Телевизион каналлар томошабинлар учун дла тобора очик мулоқотнинг энг қулай воситасига айланмоқда. Улар нафақат аудитория мурожаатларига тезкор муносабат билдаридалар, балки ахборотни жонли ва самарали тақдим этишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Янги шароитда истеъмолчилар янгиликлар, кўнгилочлар ва маркетингга доир ахборотларнинг ўта кўпайиши билан тўқнашишини эътиборга олиш зарур. Ва мана шу ўта кўпайиб бораётган ахборотлар оқимини ўзаштиришлари учун турли ахборот-кўнгилочлар жараёнларни ва манбаларни саводли тарзда қабул қилишлари ва тадқим этилаётган контни филтралаш қобилиятига эга бўлишлари зарур. Яъни, технологик ва нотехнологик воситалар асосида контени танлашда шахсий масъулиятларини оширишлари лозим.

Шу билан бирга

1) ахборотни электрон етказиб берувчи таниқли ва обрўли яратувчи ёки дистрибьюторми

2) электрон ОАВ- яратувчи мотивацияси қандай: нима сабадан кимдир мазкур контентни яратди? Ижодий мақсаддами? Ёки журналистнинг тадбири сифатидами? Касбий ёки мухлис фаолияти натижасими? Кимга дир хужум қилиш ёки бадном этиш учунми?

3) Контентнинг сифати: агарда контент янгилик бўлса, у ишончли ва аниқми? Манбасига ишонса бўладими? Кўнгилочлар мазмундаги маҳсулот бўлса, унинг ижодий, ишлаб чиқариш жиҳатлари савияси талабларга жавоб берадими?

4) Контентнинг ўринлиги: кимга мўлажлланган? У болаларга тўғри келадими?

5) Техник жиҳати: қайси технология, дастурий таъминотдан, контентни шахслаштиришдан фойдаланган маъқул?

6) Контентни қабул қилиши вақти?

7) Қандай контент учун қанча тўлаш зарурлиги хусусида қарор қабул қилиш: ОАВ ўз маблағидан тўлайдими ёки бюджет маблағлариданми?

Телевизион индустрия бизнес-моделлари имкониятлари

Ишлаб чиқарувчи ва тармоқ телекомпаниялари ҳамда видеоқимларининг фаоллашуви бу соҳадаги бизнес-моделлари ўзгаришига олиб келадими деган савол туғилади?

Телевизионная индустрия энг мураккаб бизнес кўриниши бўлиб, унда манфаатлари бирлашган кўплаб иштирокчилар дан таркиб топган. Масалан, бир ойна орқали истеъмолчи алоҳида шой ёки абонементларни харид қилиши ҳар бир телемармоқнинг бизнс модели мазмунини таҳликага кўймоқда, чунки студияларнинг потенциал даромади ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Тармоқнинг асосий ўйинчилари

Телевизион индустрияда кўплаб манфаатли иштирокчилар фаолият юритади: актерлар, ёзувчилар, композиторлар, видео провайдерлар – ва уларнинг муносабатлари турлича. Бу йўналишда асосий тўртта иштирокчи фаолият юритади.

Телевизион тармоқлар

Телевизион тармоқлар контент кўпмаротаба қабул қилиниб сотилиши мақсадида контентни яратади, трансляция қилади ва уни режалаштиради. Тармоқлар маҳсулотлар орасида узатиладиган реклама роликлари эвазига оланидаган даромаддан кун кўради. Ушбу бизнес-модель аниқ уё хужаликлари, аудиториянинг аниқ демографик характеристикаларига эга бўлган шароитда қўл келади.

Кабел компаниялар

Кабел компаниялари телетармоқлар учун маҳсулотни реализация қилинадиган энг катта канал ҳисобланади, чунки контентни дастурлаш мамлакат бўйлаб амалга оширилади. Кабель компаниялари фойданинг энг катта қисмини абонент тўловлари эвазига, қолганини рекламадан чиқаради.

Кабел саноати обуна бизнес-моделини қўллайди ва бунда ҳар ой телевизор, телефон ва интернет хизматлари учун тўловни қабул қилади.

Студия ва ишлаб чиқарувчи компаниялар

Телетармоқ учун контент яратилиш студиялар ва ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан молиялаштирилади. Студиялар ҳар доим ҳам муайян тармоқлар билан боғлиқ эмас, шу боис Warner Bros. Нинг шоуларини NBC и ABC ва бошқа рақобатчи тармоқларда кўриши мумкин. Студиялар контентини тармоқларга келажакда олиннадиган фойдадаги улуши ҳисобига сотади. Асосий ишлаб чиқарувчи студия ва саноат компаниялари бунда телеиндустриянинг асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади.

видео-оқимлар провайдерлари

Телеиндустриядаги янги ўйинчиларидан видео-оқимлар провайдерлари ҳисобланиб, улар Интернет, кабел компанияси ва эфирдан мустақил бўлган телеприставкалар орқали узатиладиган телевизион контентни ишлаб чиқарадилар ва сотадилар. Видеооқимлар кабел

компаниялар билан бирлашиб, контент узативчи яна бир канал сифатида обуна ва интернет-реклама эвазига даромад олади.

#### Истеъмолчининг яхлит қиёфаси

Телеиндустриянинг асосий иштирокчиларини таърифи шуни кўрсатадики, мазкур саноат энг юқори сифатли маҳсулотни энг паст нархларда сотиш эвазига истеъмолчи дидларини қондиришга қаратилмаганини кузатиш мумкин. Масалан, истеъмолчи қанчалик Май файф каналига дўстона бўлмасин, кабел компанияси орқали узатилган унинг шоусини қабул қилмаслиги мумкин.

Телеиндустриядаги контент уни томошабин томонидан манбаси, уни қабул қилиш ускунаси, вақтидан қатъи назар кўрилишини таъминлайди.

Шу билан бирга бевосита эфирда аксарият контентга муайян чекловлар кўйилади. Бу турли минтақаларнинг воқт кесими ва Интернет давридаги долзарбилилиги билан боғлиқ. Премиум-даражадаги каналлардаги Эксклюзив контентдан олинмаган дармад анъанавий тарзда кабел компаниялари, телевизион тармоқлар ва ишлаб чиқарувчи компаниялар даромадига киради.

Телеиндустриядаги кенг тарқалган муаммо – кабел каналларни гуруҳлаштириш ва бу клиентларни улар хохламаган контент учун ҳам тўлашларини тақозо этишидир. Аксарият истеъмолчилар бундай гуруҳлаштириш нархларни пасайтирсада, нархнинг шаклланиши қимматлашади ва бу арзон каналлар сонини камайишига олиб келиши мумкинлигин тушунмайдилар. Бозорнинг янги иштирокчилари эса бу имкониятдан фойдаланиб, алоҳида ТВ-шоуларни сотишга ёрдам берадию

#### Бизнес-моделларни бузиш йўллари

Телевизион индустрия турли бизнес-моделларни тармоқдаги иштирокчи ва унинг позициясига кўра қўлламоқда. Агарда янги иштирокчи тармоққа кириш истагини билдирса ва у мавжуд моделларни бузиш истагида бўлса куйидаги ёндашувлардан фойдаланиши мумкин.

1) Анъанавий донабай савдогар – харидор энг яхши шоуни ўз графиги, ўзи хоҳалаган ускунада кўришни истади. Демак, агрегаторга контентни тўплаш, форматлаш ва фойда олиш учун истеъмолчига сотиш имконияти бор. Яъни кабел компанияси бизнес-моделдан монополист билан рақобатни кучайиши олиб ташланади, чунки у контентни назорат қилади

2) All You Can Eat – ҳамма нарасани ейишингиз мумкин – Яъни, маълум вақт мобайнида бозорнинг янги иштирокчиси истеъмолчига чекланмаган кафолат берадиган хизмат пакетларини тақдим этиши мумкин.

Кўплаб видео-оқимлар компаниялари мазкур моделдан фойдаланишга интиладилар, аммо улар тайёрлаган контентдан фойдаланидаган тармоқлар ва ишлаб чиқарувчи компаниялар чеканган

3) Обуна - юқорида қайд этилган моделлар билан бирга қўлланадиган модель бўлиб, телевизион контентдан олинадиган изчил фойдани кўрсатади. Кўплаб видео-оқимлар провайдерлари мазкур моделдан фойданишлари мумкин. Томошабинларнинг энг катта истаги – “мавсуми ўтган” нарсаларни эмас, балки янги шоуларнинг оммалашувини истайдилар. Тижорат ТВ контент тайёр бўлиши билан уни узатишга интилади.

#### Нотаниш моделлар

4) Брокер – телеиндустрияда нотаниш, лекин тақсимлаш жараёнидаги энг яхши бизнес-модель. Ишлаб чиқарувчи компаниялар кабел ТВ ва телетармоқлар тизимидиги монополистлар томонидан чекланган, чунки улар томошабин ва реклама фойдаларини назорат қиладилар.

5) Direct ишлаб чиқарувчи- яъни рақамлаштириш имкониятларидан тўла фойдаланиб истеъмолчига бевосита контент узатиши и начал продавать контент напрямую потребителям. Бундай иштирокчи албатта телебизнесни бузиб юборади.

6) Трейдер – яъни он-лайн бозорда аудитория рейтингларига эга бўлган контентни самарали тарзда янада рейтинг юқори бўлган контентга алмаштириш ёки сотиб олиш

Барча юқорида қайд этилган моделлар телеиндустрия бозорини ўзгартириб юбориши мумкин. Чунки ҳар бири ўз муаммо ва иқтисодий барьерларини ишга солиб бизнес-моделларни инновацион тарзда мавжуд ҳолатга қўллаши мумкин.

#### Янги медиа-бизнес-моделлар

2. Янги ОАВ янгиликлар соҳасидаги асосий бизнес-моделлар муаммосини кескинлаштириди. Буни анъанавий газета бизнес-моделида кўрсатиш мумкин

Реклама. – яъни муштарийларни реклама берувчиларга сотиш.

Муштарийга контентни сотиш

Муштарийга ахборот етказувчини сотиш – яъни қоғозни

Мазкур уч ҳолат охириги ўни йилликлардаги ўзгаришлар натижасида қуйидагича кўринишга эга бўлди:

Ахборотнинг муқобил каналларининг кўпайиши (радио, телевидение, бевосита почта тарқатмаси, интернет, мобил алоқа) газета рекламасининг бозордаги улушини чеклади. Чунки юқоридагилар муайян аудиторияга муайян ўлчовдаги контентни таклиф этмоқда.

Контент манбаларининг ўсиши – телевидение ва радиода, матбуотда ноширлик тизими такомиллашиши билан боғлиқ рақобатни ўсиши, ахборотни интернетда тезкор тарқатиши - буларнинг барчаси тезлашаётган талабни қондира олиши натижасида одамлар асосий контент учун имкон қадар камроқ пул тўлашни истайдилар.

Ва ниҳоят жамиятдаги ўзгаришлар - офиси- компьютер касбларининг кўпайиши, шааҳарлардаги бандлик, марказлашишининг таназзули – қоғознинг ахборот етказувчи платформа сифатидаги қийматини пасайтирган. Бу билан бирга бошқа платформлар - веб (ишда ва уйда), мобил телефон, бепул газета, ҳаво лайнерларидаги ТВ – буларнинг барчаси платформалар рақобатини кучайтирди. Газеталар эса бу рақобатга ва аудиториянинг ёзма матнга қизиқиши пасайган даврда Интернетга миграцияни амалга оширди яъни янги ҳудудга кириб борди.

Он-лайн бизнес-моделига ўтди Аммо бунда ҳам муаммолар мавжуд. Бу ерда реклама арзонроқ, муштарийлар диққати ҳам арзонроқ - босма газета муштарийси диққати қийматининг 36% -55% фоизини ташкил этади. Яна бир муаммо - интернетдаги 40% гача эълонлар қидирув тизимларига бориб тақалади. Бу эса тамомила бошқа бозор – ва бу урдаги янгиликлар ёзоридаги иштирокчилар устун келувчилар қаторига кирмайди ҳам.

Бу ерда контент бепул. Пуллиги эса рекламага қарши асосда ишлайди.

Обунани сотишдан олган пуллар, рекламада йўқотадиган пулдан кўпроқ.

Чунки – шахсан ўзингиз платформа эгаси эмассиз, унинг фақат бир қисми- шахсий сайтнинг эгасисиз холос. Муштарийлар рақобатчи контентга бир клик ёки қидирув орқали ўтиб кетиши мумкин. Улар ҳатто янгиликлар ташкилотини кесиб юборишлари мумкин.

Шу боис муштарийлар сонини кўпайтириш зарур.

Газета ва телерадио компаниялар ҳудудий мезон бўйича чекланган

Шу боис Интернет маконга ўтиш сизнинг бозордаги позициянгизни ўзгартиради. Бу орқали бошқа шаҳар, ҳудуд ва мамлакатлардаги муштарийларни жалб этиш мумкин Буюк Британия сайтлари бунини яхши удалайдилар. Бу орқали газета учун пул тўлайдиганларни эмас, балки реклама берувчилар сонини кўпайтирасиз

Агарда ҳар бир онлайн муштарий босма газета муштарийсидан 60% арзон турса, демак, бу ҳолат умумий тарзда 80%дан кўпроқ ўучига эга бўлшни таъминлайди.

Бошқа сўз билан айтганда, он-лайн янгиликлар жуда йирик (халқаро) и ва жуда майда(гиперлокал; персонификациялашган) миқёсда бўлиши мумкин. Саноатдаги миқёсдан тежаш бу ерда кузатилмайди

Гиперлокал сайтни ёки ихтисослаштирилган сайтни ишга тушуриш мумкин, уларни секцияларга бўлиш мумкин. Ёки жуда таниқли блогга эга бўлишингиз мумкин. Бунда асосий секцияни интерфаол тарзда қуришингиз мумкин.

Пул тўлай оладиган инсонлар учун контент яратиш

Журналистикада молиявий ахборот жуда катта тижорат қийматига эга ва у доим хавф остида бўлади.

Контент Интернетда тез юзга келиб , унинг сотувининг чўққиси жуда кам вақтга тўғри келади. Бу ҳолат аниқ тижорат қийматига эга ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради, аммо бу аксарият янгиликлар учун реал эмас.

Аксарият ноширлар тижорат қийматини ҳам, ижтимоий қийматини ҳам яратмайдилар. аммо Интернетда ижтимоий капитал жуда қувватли валюта ҳисобланади. Муштарийлар бутун сайтни эмас, балки журналистикани қувватловчи суриштирув ёки долзарб муаммога доир ахборотни кидирадилар.

Яна бир опция: учинчи шахсларга сотиш (Syndication). Бунда сизнинг контентингизга мухтож сайтлар топилади ва улар кўпроқ фойдаланувчиларни жалб этиш учун уни сотиб олади ва учинчи шахслар янъни фойдаланувчиларга сотади.

Агарда газетадаги бизнес-модель реклама сотувига таянган бўлса, бу ҳолда кўшимча фойдаланувчиларни жалб этиш хусусида газета киоскасида ўтирмасдан, балки интернет-сайтда ижодий фикр юритиш зарур. Ва муваффақиятли платформани яратганингиздан сўнг, уни бошқаларга сотиш мумкин.

Янгиликлар маҳсулот эмас, балки сервисдир

